Ушбу сонда:
2 ПАХТАКОР КЎНГЛИ ЧОҒ БЎЛСА
3 TV-ДАСТУРИ
4 БИР ПИЁЛА ЧОЙИМИЗ БОР... ёхуд тўйдаги ҳангомалар

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 сентябр, сешанба № 152 (1785)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Истиқлол мевалари*

## БУ БОҒЛАРНИНГ ШАРБАТИ

***Яккабоғ кейинги йилларда ишбилармон, билимдон кишиларнинг саъй-ҳаракати билан саноатлашган шаҳарга айланмоқда. Дон маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси қошида донни қайта ишлаб ун тайёрлаш, газли тоза ичимлик сув чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.***

Мустақилликнинг 13 йиллиги байрами арафасида «Яккабоғтекс» калава-ип ишлаб чиқариш қўшма корхонаси ишга туширилди.

Айни кунларда ишнинг кўзини биладиган Абдунаби Ғиёсовнинг саъй-ҳаракати билан Россия-Ўзбекистон қўшма корхонасини қуриб, ишга тушуриш учун ҳаракатлар олиб борилаётир. Барча молиявий ишларни россиялик тадбиркор ўз зиммасига олган. Бундан ташқари, корхонада хорижий мамлакатлардан келтирилган технологиялар ҳам ўрнатилди. Бу ерда келажакда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган консерва, томат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, хорижга экспорт қилинади.

– Режага асосан бу ерда 1500 тонна, кейинчалик эса 3 минг тонна томат пастаси, 1000 тонна узум ва олма шарбатлари, 2000 тонна мева шарбатлари қайта ишланади, – дейди корхона директори. – У тўла қувват билан ишга тушгач, бир йилда 3,5 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади. 150-170 киши иш билан таъминланади.

Ҳозирги вақтда қўшма корхона биноларини пардозлаш ишлари давом этмоқда. Бу ишни Яккабоғ туманидаги «Ҳисор» қурилиш-таъмирлаш ташкилоти амалга оширмоқда. Қурувчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар иссиқ овқат, ишга бориб-келиш учун транспорт билан таъминланган. Қўшма корхонани қуриш, монтаж қилиш, суваш, ускуналарни ўрнатиш ишларини амалга оширишда Руслан Камолиддинов, Дмитрий Тен, Азамат Бердиқулов, Игорь Ермолаев, Қулдош Худойқулов каби ўнлаб мутахассис ва техник ходимлар ўрнак кўрсатишмоқда. Қўшма корхона раҳбарияти ҳозирдан бошлаб деҳқон билан маҳсулот топшириш бўйича шартномалар тузиш ишларини олиб бормоқда.

Хуллас, «Яккабоғ шаробконсерва» МЧЖ базасидаги «Агропродукта» Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси янги йилдан бошлаб ишга тушади.

**Х.ТЎРАЕВ**

***Самарқанддаги «Нафис» ҳиссадорлик жамиятини ҳар жиҳатдан намунали корхоналар сирасига киритиш мумкин. Чунки корхона молиявий-иқтисодий бухронларни енгиб ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаб келаяпти.***

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

## «НАФИС»ДА аёллар катта куч

Остонасига қадам қўйишингиз биланоқ бу ерда тартиб-интизом борлигини, ишлар жойдалигини ҳис қиласиз. Режали, оқилона йўл тутилган жойдағина шундай бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ходимлар учун иш шароити ҳам, дам олиш шароити ҳам кўнгилдагидек эканлигидан далолат беради. Корхона ҳаёти билан чуқурроқ танишгач, илк таассуротлар янада мустаҳкамланди.

Ишлаб чиқаришни барқарор изга солиб, муттасил фойда кўраётган корхонада ижтимоий масалаларни ҳал қилишга эътибор берилмоқда. Ходимларнинг аксарият хотин-қизлар эканлиги бу ҳаракатнинг аҳамиятини янада оширади.

– Маъмурият билан биргаликда ходимларнинг манфаатдорлиги ва саломатлиги юқори даражада бўлишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳ.Абдурасулов. – Негаки, ишлаб чиқариш самарадорлиги айнан шу икки нарсага бевосита боғлиқ. Меҳнати орқасидан тобора кўпроқ даромад оладиган киши янада яхшироқ ишлаш пайида бўлади. Бундай фаолиятга эришиш учун инсоннинг саломатлиги бенуқсон бўлиши шарт. Шу боис иш шароитини талаб даражасида сақлаш, корхона иқтисодиётини муттасил юксалтириш орқали ижтимоий соҳа масалаларини ҳал қилишга эришилаяпти.

Корхонада иш шароити, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида муаммолар йўқ дейилса муболаға бўлмайди. Иш жойларидаги тозалик, тартиб шундан нишона. Ёруғлик ва шовқин даражаси белгиланган меъёрда. Дастгоҳу ускуналарнинг ҳимоя воситалари бенуқсон. Вақти-вақти билан иш жойлари аҳволи назорат қилинади, кўрикдан ўтказилади. Чинни буюмлар тайёрланадиган мазкур корхонанинг ишлаб чиқпариш хусусияти ана шуни тақозо этади.

Неча йиллардирки, корхона қошида тиббиёт бўлими ишлаб турибди. Бу ерда стоматолог, гинеколог, терапевт каби бир қанча малакали мутахассислар ҳамиша хизматга шай. Шаҳардаги 1-болалар шифохонаси, 4-туғруқхона, кардиология шифохонаси, Самарқанд тиббиёт институти клиникаси билан шартнома тузилган. Зарурат туғилганда, ходимлар ўзларининг ва фарзандларининг саломатлиги масаласида ана шу муассасалар хизматидан фойдаланишлари мумкин. Соғломлаштириш ишларини янада яхшилаш ниятида уч йил олдин корхонага қарашли 12 ўринли кундузги шифохона ишга туширилди. Бундай тадбирлар пировардида касалланиш туфайли йўқотиладиган иш кунлари камайишига эришилди. Ҳар бир йўқотилган иш куни корхона даромадининг муайян қисми бой берилиши демакдир. Ҳар йили бир неча киши сиҳатгоҳларда дам олдирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ходимларнинг саломатлиги бенуқсон бўлишида оммавий спорт тадбирлари алоҳида ўрин тутади. Бу масалалар ҳам корхона раҳбарларининг, касабақўмнинг эътиборидан четда қолмаган. Корхонанинг ўз спорт мажмуаси бор. Бу ерда волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика, футбол тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Спорт билан мунтазам шуғулланувчи ходимлар рағбатлантирилиши бундай фаолиятни ривожлантиришда таъсирчан омил бўлмоқда. Корхона спортчилари шаҳар ва вилоят мусобақаларида, тармоқ спартакиадаларида муваффақиятли қатнашмоқда. «Термо-Нафис» мини футбол жамоаси эса Ўзбекистон биринчилигининг пешқадамларидан ҳисобланади.

Жамоа шартномасида ходимлар, хусусан, хотин-қизлар учун кўпгина имтиёзлар белгиланган. Уларнинг амалда рўёбга чиқарилаётгани жуда қувончли. Умуман, корхонада жамоа шартномаси бандларининг бажарилиш кўрсаткичи юқори. Айниқса, бола парвариши ва тарбияси билан боғлиқ ҳолда қисқартирилган иш вақти, қўшимча таътил жорий қилиниши, нафақа берилиши ҳозирги даврда хотин-қизларга сезиларли мадад бўлмоқда.

Корхонанинг иқтисодий аҳволи, ишчиларнинг манфаатдорлиги ҳақида битта мисолни айтса кифоя қилади. Беш йил илгари ходимлардан 320 нафарининг оиласи кам таъминланганлар рўйхатида турарди. Ҳозир бу рақам 2 баравардан кўпроққа камайди. Бу эса манфаатдорлик ошишининг, даромад кўпайганлигининг далилидир. Чиннипозлар жамоаси кучли ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалда қўллаб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришаяпти, иқтисодий фойда олинаётганлиги туфайли ижтимоий соҳада юксалишни таъминлаяпти.

**Р.ҚУРБОНОВ**

***Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги ўйлар***

***Республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, манфаатдорлик ила ўқиб ўрганмоқдалар. Чунки ушбу нутқда баён этилган танқидий фикр, таҳлил ва мулоҳазалар ҳар бир вилоят, туман ва жамоа учун тааллуқлидир.***

## ФАРОВОН ҲАЁТ бу аввало эркинликдир

Фермер хўжалиги ташкил этиб, ишончни ҳар ҳолда оқлаётган бўлсак-да, Президентимизнинг вилоят Кенгашининг сессиясидаги нутқини тинглаб, ғоятда оғир аҳволга тушдик. Чинданам нега ҳозирги пайтда вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши қониқарли эмас? Фермер сифатидаги мулоҳазам шуки, бизнинг деҳқонларимиз катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Боз устига бой ва қадимий деҳқончилик тажрибаси ота-бобомиздан мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бироқ, бебаҳо бойлик – ерга бўлган ҳурмат, меҳр ва масъулият ҳисси сусайиб кетди. Қатор туманларда ер майдонларининг кучли шўрланганлиги масъулиятсизлик, хўжасизликнинг ўзгинасидир.

Мингбулоқда пахтачиликдаги қолоқликнинг туб сабаби аввало одамларга етарли шарт-шароитлар яратилмагани, меҳнат муносиб равишда рағбатлантирилмаганидир. Устига-устак фермерларга нисбатан айрим ўринларда адолатсизлик қилинаётгани оқибати, деб биламан. Сессияда жуда тўғри танқид қилинди, ўтган йили ушбу туманда пахта ҳосилдорлиги 12 центнерни ташкил этганлиги бағоят ташвишли ҳол. Ернинг умрини зое ўтказиш ҳамиша қимматга тушади. Бизда бир камчилик бор: қайсидир раҳбарнинг оёғи ердан узилиб қолганлигини, у гердайиб манманликка, кибр ҳавога берилганлигини кўра-била туриб, ўзимизни кўрмаганга оламиз. Аниқроғи, раҳбар билан сан-манга боришни хоҳламаймиз. Принципсизлик, лоқайдлик илдиз отиб, хунук оқибатларни келтириб чиқаришига мана энди ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ерга нисбатан ноқонуний йўл тутган, ерни хор қилганларни кўрсам ёки улар ҳақида эшитсам тутоқиб кетаман. Мустақиллик бизга катта имконият берди. Ҳақиқий мулкдор бўлдик. Лекин кимлардир ана шу имконият-у имтиёзларни нотўғри тушуниб, қинғир ишга қўл урди. Ахир вилоят бўйича 420 гектар ер одамларга ноқонуний равишда ажратиб берилгани, 390 гектар ер ҳисобдан яширилгани, 150 гектарда қонунга зид равишда полиз ва сабзавот экинлари экилгани Наманганда яшаётган ҳар бир фуқаро – деҳқону фермер, раҳбару мутахассиснинг айбидир. Бу аччиқ ҳақиқат ҳар биримизни ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга, камчиликларга қарши муросасиз курашга даъват этди.

Қадоққўл деҳқон, ишлаб чиқарувчига аввало эркинлик, муносиб шароит яратиб бериш зарур. У ҳаётидан, меҳнатининг пировард натижаларидан хурсанд бўлсагина ёниб-жўшиб ишлайди. Ички имкониятларни қидириб топиб, иқтисодий кўрсаткичларни юксалтириб боради. Президентимиз нутқини телевизор орқали кўриб, газетадан синчиклаб ўқигач тушундимки, бизда ноз-неъмат бунёдкори учун худди ана шу эркинлик етишмаган. Фермер хўжаликларига етарли имкониятлар яратиб бермаслик қишлоқ хўжалигидаги қолоқликнинг асосий сабабларидан бири, деб биламиз. Ҳаммага равшанки, ҳосилдорликни ошириш учун минерал ўғит жуда зарур. Бироқ вилоят учун ажратилган ўғитнинг муайян қисми четга чиқариб юборилганлигини ҳеч нарса билан оқлаб, изоҳлаб бўлмайди. Бу деҳқонга, деҳқончилигимизга хиёнатдир!

Сессия ҳужжатларидан қуйидаги сатрларни ён дафтаримга кўчириб олдим: **«Фаровон ҳаёт – бу фақат моддий бойлик, тўкин-сочинликдан иборат эмас. Бу аввало эркинлик, эркин нафас олиш демакдир. Инсон ўз меҳнати, ўз турмушидан рози бўлиб, оиласининг эртанги кунидан хотиржам бўлиб, фарзандлари кўзига тик қарай олиши ҳам фаровон ҳаёт белгисидир».** Тан олишимиз керак, Наманган вилоятида ҳамон эски тузумга хос бошқарув услубларидан воз кеча олинмаяпти, хўжасизларча муносабат қаерлардадир давом этмоқда. Биз – фермерларнинг нияти холис. Ерни эъзозлаб, юқори ҳосилдорликка эришиб, ўзимизга ҳам, давлатга ҳам катта наф келтирсак, деймиз. Бироқ кимлардир тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда. Дейлик, айрим хўжалик раҳбарлари тадбиркорларнинг ҳақли талабларини қондириш, ерни вақтида ажратишни негадир пайсалга солишади. Туман ҳокимликларининг 31 та қарорига асосан жами 770 нафар тадбиркордан ноқонуний маблағлар жалб қилингани, ер ажратишда 122 та, савдода рухсатнома беришда 1600 та, рўйхатдан ўтказиш инспекциялари фаолиятида 3200 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганлиги ҳам кўп нарсани ойдинлаштириб турибди.

«Ухуд» фермер хўжалигини ташкил этганимизда, иш анчайин оғир кўчди. Қаттиқ ишлаб ҳар сигирдан кунига 10-12 литрдан сут соғиб ола бошладик. Ўтган йили 161 тонна маҳсулот етиштириб, 127 тоннасини сотдик. Мустаҳкам озуқа базаси яратилди. 92 бош қорамолимиз 270 бошга етди. Мингбулоқда омилкорлар кўп. Ҳаммамиз ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб, ўзаро талабчанликни кучайтириб, фидокорона меҳнат қилишга жазм этдик.

**Б.МАМАДАЛИЕВ,**
**фермер**

## «IWER-2004» ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

***«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш - IWER-2004» мавзуида халқаро семинар бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва АҚШ Қуролли Кучлари Марказий Қўмондонлиги ўртасидаги 2004 йилга мўлжалланган икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик режаси доирасида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва АҚШ Луизиана штатининг Миллий гвардияси анжуман ташкилотчиларидир. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этмоқда.***



Тўрт кунга мўлжалланган ушбу анжуман назарий ва амалий машғулотлардан иборат. Унда ўзбекистонлик ҳамда америкалик экспертларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича маърузалари тингланади, амалий машғулотлар ўтказилади.

Анжуманнинг дастлабки кунида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси вакилининг темир йўлда содир этилиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда компаниянинг авария-тиклаш тузилмалари ҳаракатлари ҳақидаги маърузаси тингланди.

«Жанубий» темир йўл вокзалида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг авария-тиклаш тузилмалари, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Қутқарув хизмати» ва Тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли маркази шахсий таркиби ҳамкорлигида темир йўл транспортидаги авария ҳалокати оқибатларини бартараф қилишга бағишланган махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

**(ЎзА)**



***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси бошланганi муносабати билан маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.***

## САЙЛОВДА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев икки палатали парламентга сайлов ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўзлади. Мамлакатимизда сайлов тўғрисидаги қонунларда ҳар бир сайловчининг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатланган ва демократик сайловлар ўтказилишини таъминлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган.

Бундан буён комиссия ўзининг мазкур матбуот маркази орқали сайлов кампанияси билан боғлиқ ўз ваколатларига оид барча зарур маълумотларни оммавий ахборот воситаларига мунтазам бериб туриши маълум қилинди. Сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун сайловолди кампаниясида тенг имкониятлар яратиш бўйича бажарилган ишлар юзасидан очиқ ва ошкора ахборот берилиши тўлиқ таъминланади.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби эълон қилинди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**(ЎзА)**

Ўзбекистон Фанлар академияси «Замонавий информацион технологиялар» илмий-техникавий марказида бошқарув тизимлари ва ахборот технологияларига бағишланган илмий-амалий конференция иш бошлади.

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА БОШҚАРУВ

Унда республикамизнинг илмий ва ўқув марказларида фаолият юритаётган юзга яқин олим ва аспирантнинг бошқариш жараёнларини алгоритмлаштириш ва моделлаштириш, техник тизимларда бошқариш ва хавфсизликни таъминлашга оид маърузалари тингланади.

## ЯШИРИН ЦЕХ ФОШ ЭТИЛДИ

Сурхондарё вилоят Божхона бошқармасининг контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари айланма йўллар орқали кетаётган «Дамас» автомашинасини текшириб кўрганида ундан 360 дона «Денов» ароғи чиқди. Аниқланишича, арoқ Термиз шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Эркин Расулов томонидан қўлда тайёрланган экан. Унинг уйидан яна 500 шиша қўлбола арoқ, қопқоқ ва ёрлиқ ёпиштирадиган мослама топилди.

**(ЎзА)**

***Яккабоғ туманининг Чайдари қишлоғида яшовчи Тўйчи Қудратов кирчиллама қирқ ёшида ногирон бўлиб қолди. Вояга етганидан бери ўзи туғилиб ўсган А.Холиқов номли хўжаликда тракторчилик қилиб, рўзғор тебратарди.***

## СУД ҚАРОРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Кейинги йилларда «Т-28 Х 4» русумли тракторига кимёвий дори пуркагич улаб, ғўза пайкаллари, боғлар ва бедазорларга химикатлар сепиш билан шуғулланди. Ҳамма ҳам чоғланавермайдиган оғир юмушни сидқидилдан адо этиб юрган эди. Каттаю-кичик камсуқум, камтарин йигитни ҳар бир топшириқни виждонан бажараётганини кўриб, «Балли» деб эъзозларди.

Заҳри қотилнинг касри уриб, 2003 йил феврал-март ойларида Республика касб касалликлари илмий-текшириш институтининг шифохонасида даволанди. Ҳакимлар унга кимёвий доридан заҳарланиш натижасида касб касаллигига йўлиққан, деб ташҳис қўйдилар. Шундай қилиб, Т.Қудратовга Яккабоғ туман 6-тиббий меҳнат экспертизаси комиссияси қарорига асосан 2003 йил 13 майдан бошлаб учинчи гуруҳ ногиронлиги берилди.

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ҳам ўз аъзолари билан кенгашиб, Тўйчи Қудратовга 2003 йил 13 майдан 2004 йил 21 апрелга қадар ҳар ойда 10844 сўмдан нафақа, шунингдек, 216890 сўм товон пули ва даволанишга кетган 9100 сўм харажатни тўлаш ҳақида қонуний қарор чиқаришди. Тўйчининг кўнгли тоғдек кўтарилди. Кўп йиллик меҳнатини қадрлагани учун хўжалик маъмурияти ва касабақўмдан миннатдор бўлди.

Лекин буларнинг ҳаммаси қоғоздаги қуруқ ваъдалар экан. Орадан тўрт ой вақт ўтди ҳамки, у пулини ололмади. Кута-кута тоқати тоқ бўлган Т.Қудратов қонуний ҳуқуқидан фойдаланиб, судга мурожаат қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туман суди Т.Қудратовнинг Яккабоғ туманидаги А.Холиқов номли ширкат хўжалигидан товон пули ва нафақаларини олиш ҳақидаги даъво аризасини кўриб чиқди. Суднинг 2003 йил 17 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра хўжаликдан Т.Қудратовга 65 минг 67 сўм нафақа, 216 минг 890 сўм товон пули, даволаниш учун кетган 9100 сўмни ва келтирилган маънавий зарарни қоплаш учун 25 минг сўм ундириб бериладиган бўлди.

Машмашанинг каттаси шундан кейин бошланди. Бу орада ширкат фермер хўжаликларига айлантирилди. Яккабоғ туман суд ижрочилари бўлимининг катта мутахассиси С.Норбоев ҳокимнинг собиқ биринчи ўринбосари С.Яхшибоев ва А.Холиқов номли ширкат хўжалигини фермерлар уюшмасига айлантириш, яъни тугатиш комиссиясининг раиси Ш.Эшматовга суд қарорини ижро этишни юклаган эди. Бироқ улар қарор ижросига, ногирон тақдирига эътиборсизлик билан қарадилар.

- Бир неча бор тугатиш комиссияси раиси Шавкат Эшматовга мурожаат этдим, - дейди меҳнат ногирони афсус билан. - У эса масалани ҳал қилиш ўрнига дўқ-пўписа билан чегараланди.

Наҳотки, обрўли раҳбарлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида мансабдор шахсларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга масъулиятсизлик билан ёндашишига жавобгарлик белгиланганидан хабардор бўлишмаса?!

Фуқаронинг суд департаменти Қашқадарё ҳудудий бўлими, Яккабоғ туман прокуратураси, Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасига ёзган шикоятларидан сўнг ишда озроқ силжиш юз берганга ўхшади. Яқинда хўжаликни тугатиш комиссияси номидан Т.Қудратовга 100 минг сўм пул келтириб беришибди.

Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунида суд қарорларининг бажарилиши мажбурийлиги аниқ ва равшан ифодаланган. Наҳотки, суд қарори қарийб бир йилдан бери ижро этилмай, фуқаро сарсону-саргардон бўлиб юрса...

*Хат йўлга чорлади*

Таҳририятга келган шикоят хатини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят қўмитаси раиси Илҳом Сабдоров, «Чайдари» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Холиқов билан Қудратовлар хонадонида бўлдик. Оилада 5 нафар вояга етмаган фарзанд бор. Жўжабирдай жонни боқиш осон эмас. Бир амаллаб кун кечириш илинжида ғишт қуйиб сотишга киришишибди. Тўйчининг касали яна хуруж қилган.

- Шифохонада даволанмоқчиман, - дея суҳбатни давом эттирди у. - Нафақамни беришмаса, болалар қийналиб қолишади.

Устига-устак Яккабоғ туман 6-тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг 28 июн 2004 йилдан эътиборан Тўйчи Қудратовга иккинчи гуруҳ ногиронлиги бериш тўғрисидаги қарорини бажариш ҳам пайсалга солиб келинаяпти.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, адолатни ҳимоя қилиш давлат ва жамият олдидаги муқаддас бурч эканлигини юқоридаги раҳбарлар унутишмаганда эди, Тўйчи Қудратов сингари кишилар сарсон-саргардон бўлишмас эди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Оролбўйидан мактублар*

# ЖАЙХУН ЖЎШИБ ОҚАДИ

***Истиқлолнинг ҳаётбахш шабадалари Оролбўйининг қадимий ва ҳамиша навқирон мавзеларидан ҳисобланган Берунийга ҳам қувончли, тарихий ва унутилмас янгиликлар бахш этди. Буюк қомусий олим, бетакрор иқтидор эгаси, умри давомида фаннинг турли соҳаларига оид 150 дан ортиқ асарлар ёзиб, илм-маърифат ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний ана шу муқаддас заминда дунёга келган.***

Бугунги кунда улуғ алломанинг авлодлари боболар васиятларига содиқ қолиб, бошланган хайрли ишларни давом эттирмоқдалар. 1997 йилнинг декабрида Республика раҳбарияти, Бобур номидаги халқаро жамғарма, «Беруний авлодлари» халқаро жамғармаси, туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан улуғ олимнинг ҳоки Афғонистоннинг Ғазна вилоятидан олиб келиниб, ўзи туғилиб ўсган юрт - Кат қалъаси ёнидаги рамзий қабрга дафн этилди.

Ҳомийлар томонидан ва шанбаликлардан тушган маблағлар ҳисобига Беруний музей-мақбараси, олим номидаги хиёбон, Мустақиллик майдонлари бунёд этилди. Йўллар кенгайтирилиб, кўчалар ободонлаштирилди.

Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган, ҳудуди қирғоқ бўйлаб 72 километрга чўзилган туманнинг умумий майдони 5,4 минг квадрат километрни эгаллайди. Қарийб 30 минг гектар экин майдонига эга. 300 минг гектарини Қизилқум чўллари, Султон Увайс тоғ тизмалари, Бодой, Толлиқ, Сариўтов тўқайзорлари, Оқчакўл, Аёзкўл, Мошликўл, Чаккакўл, Оққўл, Полвошкўл каби табиий сув ҳавзалари ташкил этади.

Туманда Катқалъа, Филқалъа, Қизилқалъа, Ахчахон қалъа, Кепакл иқалъа, Қортепа, Аёзқалъа, Султон Увайс бобо мақбараси, шунингдек, бошқа ўнлаб тарихий археологик ёдгорликлар бор.

- Ҳудудимизда истиқомат қилаётган ўндан ортиқ миллат вакиллари бир оиланинг фарзандларидек мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Тоҳиржон Самандаров. - Ўн уч йил ичида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, тиббиёт, халқ таълими, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа соҳаларда қувончли ютуқлар қўлга киритилди.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб 23 та корхона 14 та хўжалик давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Айни пайтда 1437 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг ўтган ойларида 129 та кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Шифобахш ўсимлик буян томир (ширин мия) экстрактини ишлаб чиқарадиган «Лико-Роотс» Ўзбекистон - Германия қўшма корхонаси йилига 200 тонна буян томирни қайта ишлаш қувватига эга.

Хорижий технологиялар асосида жиҳозланган янги заводни хомашё билан таъминлаш мақсадида «Олтинсой», «Бийбозор» ва Беруний номли хўжаликлардан 485 гектар экин майдони олиниб, 118 гектарига шифобахш ўсимликлар ўстирилаяпти.

«Ёғгар» ҳиссадорлик жамияти мамлакатимизда ёғ-мой саноатининг шаклланишига ҳисса қўшиб келаётган қалдирғоч корхоналардан. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг асосий қисмини маҳаллий ўғил-қизлар ташкил этган бу аҳил ва иноқ жамоа кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни арзонлаштириш, рентабелликни ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

- Заводимизнинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, мулкчиликнинг янги шаклига ўтказилганлиги улкан ўзгаришларга олиб келди, - дея суҳбатга қўшилди корхона раҳбари Д.Каримов. - Энг муҳими, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига эътибор кучайтирилди. Улар учун 40 дан ортиқ турар-жойлар барпо этилган.

Ярим йилликда ҳиссадорлик жамияти 1073 тонна оқартирилган, 276 тонна «Ўзбекистон», 771 тонна қадоқланган 6 тонна кунгабоқар мойи, 3440 тонна кунжара, 2499 тонна шелуха ишлаб чиқарди. Бошқача айтганда ўтган давр ичида бир миллиард 250 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилинаётганлиги, ишчилар учун қулай шароит яратиб берилганлиги моддий манфаатдорликни оширмоқда. 5 миллион сўм соф фойда олиниб, ҳар бир акцияга 1485 сўм 35 тийиндан дивидент тўланди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 61 минг 600 сўмдан тушди. Яқинда катта уста Владимир Беляев «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Илғор тажрибалар кенг қўлланилаётганлиги, ихтирочилик таклифлари дадил жорий этилаётганлиги ижобий самара бераяпти. Франциянинг «Стека-СА» фирмасидан соатига бир литрлик минг дона полиэтилен идишларда мой қадоқлайдиган янги ускунанинг келтириб ўрнатилиши маҳсулот сифатини яхшилаб, харидорларни кўпайтирди. Илғор жамоа «Қизилқалъа» ширкат хўжалигидан 40 гектар майдонни ижарага олиб, кунгабоқар ўстирмоқда. Келгусида истеъмолчиларга парҳезли ёғ етказиб бериш анча кўпаяди.

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга жиддий аҳамият берилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Узунлиги 18,5 километр бўлган юқори босимли қувурлар ётқизилиб Газли - Нукус магистрал газ тарқатиш тармоғига уланди. 4,5 километр узунликдаги паст босимли газ узатиш қувурлари ишга туширилиб, «Қизилқалъа» ширкат хўжалиги «Олғабос» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасидан 285, қўшни Элликқалъа туманининг боғдорчилик овул фуқаролар йиғинидан 280 оила «зангори олов» билан таъминланди. Ажратилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан 2000 дан ортиқ газ ўлчагич асбоблари ўрнатилди.

Бундан ташқари, аҳолининг шахсий маблағлари ҳисобидан 4 километрли газ тармоғи, 40 квадрат метр савдо шохобчалари, 15500 квадрат метр турар-жой бинолари, ўнлаб умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Саноат корхоналари томонидан 3 миллиард 797 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 118,3 фоиз ўсишга эришилди.

Бир неча бор халқаро сифат марказининг олтин нишонини қўлга киритган «Беруний пахта тозалаш заводи» акционерлик жамияти 2616 тонна аъло навли тола ишлаб чиқариб, 80 фоизини Корея, Италия, Германия, АҚШ, Швейцария, Россия, Гонгконг каби хорижий давлатларга экспорт қилди. Ҳиссадорлик жамияти раиси Сафарбой Ражабовнинг таъкидлашича, жорий йилда 27 минг тоннадан ортиқ пахта қайта ишланади. Зироатчиларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган илк ҳосил қайта ишланмоқда. Қисқа технологияга ўтиб ишланганлиги туфайли тола сифати яхшиланиб, 33 миллион сўм соф фойда олинди. 1190 киловатт соат электр энергияси тежаб қолинди. Ишчи-хизматчиларга бир миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилиб, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофазалашга 1,4 миллион сўм маблағ ажратилган.

«Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури изчиллик билан бажарилаяпти. 10 мингдан ортиқ пенсионерлар, 50 мингдан зиёд ёш болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ёрдамга муҳтож қариялардан олти нафарининг турар-жойлари таъмирдан чиқарилди.

Ҳомийлар томонидан марказий касалхонанинг гематология, гинекология, травматология, координология, болалар бўлимларини таъмирлашга 40 миллион сўм маблағ ажратилди. 8 та овул врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

...Анвойи гуллар бўйи уфуриб турган қадимий шаҳар кечалари фусункор бўлади. Замонавий меъморчилик анъаналари асосида қурилган кўркам бинолар электр чироқлари нурида янада файзли кўринади. Олисда кўҳна қалъа ва қўрғонларнинг қолдиқлари кўзга ташланади. Илгарилари Фир, Фил, Кат, Кот, кейинчалик Шаббоз ва бугунги кунда Беруний номи билан юритиладиган ўжар Жайҳун қирғоғидаги бу замин фарзандлари авлод-аждодлари васиятларига содиқ қолиб, она ерларини гуллаб-яшнатмоқдалар.

**ЁЛҚИН**

Янгийўл шаҳридаги «Янгийўлсут» корхонаси мутахассислари маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш йўлида доимий изланишлар олиб боришаяпти. Шу мақсадда яқинда Германия технологияси асосида пишлоқ қадоқловчи ускуна ўрнатилганлиги корхона учун анча иқтисодий самара берди.

Ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш натижасида ҳамда янги технология ишга туширилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 50 хил турга етказиш имкони туғилди.



**Суратда: илғор ишчилар (ўнгдан) Р.Алимов ва Д.Жалоловлар.**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат.**

*Дала шийпони деҳқоннинг иккинчи уйи*

# ПАХТАКОР КЎНГЛИ ЧОҒ БЎЛСА

***Айни кунларда далаларда иш қизғин. Йиғим-теримни тобора қизитаётган пахтакорлар, дастурхонимиз тўкинлиги учун курашаётган боғбону сабзавоткорлар, қўйингки ҳар бир деҳқонни бугун қизғин меҳнат қучоғида учратасиз. Меҳнатнинг унумли бўлиши эса улар ҳақида қилинаётган ғамхўрликка, яратилган шароитга боғлиқ. Шунинг учун бугунги кунда дала шийпонлари оромгоҳ жойларга айлантирилган. Бунда касаба уюшма фаолларининг ҳиссалари катта.***

Вилоят ҳокимлигининг дала шийпонларини мавсумга ҳозирлаш, уларни ҳақиқий оромгоҳга айлантириш тўғрисидаги қароридан сўнг касаба уюшмалари Фарғона вилояти Кенгаши «Энг яхши дала шийпони» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Унга мувофиқ Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмиталари ҳокимият органлари билан ҳамкорликда жойларда кўрик-танловлар ташкил этди. Касаба уюшмалари шийпонлар ҳақиқий оромгоҳларга айлантирилишини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашдилар.

Кўрик-танловни ташкил қилиш ва амалий ёрдам бериш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳи ташкил қилинди. Улар вилоятнинг ҳамма туманларида бўлиб, у ердаги шарт-шароитни ўрганишди. Вилоят бўйича 14 та туман бўлиб, дала шийпонларининг умумий сони 2407 тадир. Шундан 1118 таси типовой усулда қурилган. 2239 таси эса электрлаштирилган бўлиб, 1456 таси артезиан қудуғи билан таъминланган. Аёллар дам олишлари учун хоналар ташкил қилинган.

Биз Олтиариқ туманидаги «Оқ Буйра» ширкат хўжалигида бўлиб, у ердаги шарт-шароитлар билан қизиқдик. Ширкат хўжалигининг 2-пудрат (пудратчи Орипжон Саттиев) шийпони лойиҳа асосида қурилган бўлиб, атрофи покиза, ҳовуз ва фавворалар киши дилини қувонтиради. Шийпон атрофига гуллар экилган. Аёллар учун дам олиш хоналари мавжуд бўлиб, бу ерда меҳнаткашлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёшлар спорт билан шуғулланишлари учун волейбол майдончаси мавжуд. Иссиқ нон доимий бўлсин деб тандир қурилган.

Фарғона туманидаги Хонқиз ширкат хўжалигининг 1-пудрат (бош пудратчи Ғуломжон Холиқов) шийпонида ҳам бўлдик. Унинг атрофига сабзавот ва полиз экинлари экилган. Аёллар хоналари ташкил қилинган. Меҳнат аҳли ичимлик суви билан таъминланган. Хуллас, у деҳқонларнинг иккинчи уйига, дам олиш масканига айлантирилган. Шийпоннинг бир томонида мевали дарахтлар экилган, ишчилар учун дам олиш сўрилари қўйилган. Иссиқ овқат, чой вақтида тайёрланяпти.

Бешариқ туманидаги М.Мадаминов номли ширкат хўжалигининг 16-пудратида (пудрат бошлиғи Абдусами Рустамов) 38 нафар ишловчи бўлиб, шундан 20 нафарини аёллар ташкил этади. Бу ерда ҳам ишловчиларнинг баракали меҳнатдан сўнг дам олишлари учун кўпгина қулайликлар яратилган. Мавжуд хоналар дид билан безатилган. Ошхона, тандирхона, деҳқонлар ихтиёрида. Уларга имтиёзли тушлик ташкил этилган. Яратилган шароитлардан деҳқонларнинг кўнгли тўқ.

Дарҳақиқат, дала шийпонига келган кишининг баҳри-дили очилади. Маънавият ва маърифат хоналари кўнгилдагидек безатилган бўлиб, турли хил бадиий китоблар билан бойитилган.

**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# АСАКАЛИК ЛАУРЕАТ

Асакалик Неъматуло Марупов имкониятлари чекланган болалар ўртасида ўтказилган «Мафтункор ранглар олами» халқаро танловининг совриндори бўлди. Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлиб ўтган бу танловда Марказий Осиё республикаларидан 50 нафар ёш истеъдод эгаси қатнашди. Танловга тақдим этилган ишлар орасида Неъматулло Маруповнинг «Она юрт манзаралари» асари муносиб баҳоланди.

- Мени тавсия қилгани ва танловда иштирок этиш учун шароит яратиб бергани учун Андижон вилояти «Умид» ногирон болалар марказидан миннатдорман,- дейди лауреат. Кўплаб ёш истеъдод соҳибларини бирлаштирган «Умид» маркази жисмоний нуқсонлари бор болаларга умид бағишлайди, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришига кўмаклашади.

# ХАЙР-САХОВАТ ТАДБИРИ

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 77-махсус мактаб-интернатда 192 нафар бола тарбияланади. Етмиш нафар ўқитувчи, тарбиячи ва шифокор улар хизматида. Болалар дарсдан бўш вақтларида дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик каби ҳунар сирларини ўрганяпти.

Болаларнинг яшаш ва ўқиш шароитини янада яхшилаш мақсадида бу ерда реконструкция ишлари олиб бориляпти. Ётоқхона ва машғулот заллари ҳозирдаёқ таъмирдан чиқарилди. Бу ишга қирқ миллион сўм сарфланди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастурида белгиланган бундай вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда саховатли инсонлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳам ўз кўмагини аямаяпти. Пойтахтимиздаги «Гранд орзу» меҳмонхонаси, «Patricks» ресторани, «Passtrans media» реклама агентлиги, «Tip-top» ҳамда «Кавсар» савдо белгиси, «Нонаш» корхонаси маъмурияти мазкур мактаб-интернатга ошхона анжомлари, замонавий компьютерлар, кийим-кечак ҳамда ўқув қуроллари тақдим этди.

**(ЎзА)**

*Ижтимоий ҳимоя*

Қатор йиллардан буён пахта етиштириш шартнома режаларини республикамизда биринчилардан бўлиб бажариб келаётган сариосиёлик пахтакорлар бу мавсум ҳам карвонбошиликни қўлдан беришмаяпти. Миришкор деҳқонларнинг йил давомидаги заҳматли меҳнатлари самарасини рўёбга чиқариш учун «Сариосиё пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 400 дан ортиқ ишчи-хизматчилари айни дамларда 3 навбатда ишни ташкил этиб, қабул қилинаётган ҳосилни қайта ишлашга киришишди. Ушбу мавсумда пахтакорлардан сифатли «оқ олтин» қабул қилиб олиш режалаштирилган. Туманда шартнома режаларини ошириб бажараётган ширкат ва фермер хўжаликлари сони тобора ортиб бормоқда. Улар орасида «Сариосиё», «Дашнобод» ҳамда Бобур номли ширкат хўжаликлари, «Хомрус», «Усто Эшмат», «Қўшчинор», «Нилуфар», «Кулписта» фермер хўжаликларини алоҳида тилга олиш мумкин.

# ИШЧИЛАР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

«Сариосиё пахта» ҳиссадорлик жамияти ишчилари қабул қилиб олинган пахтадан ҳар навбатда 20-25 тонна, бир кунда эса 65-75 тоннани қайта ишлашга эришяпти.

Ишнинг унумини таъминловчи асосий омиллардан бири, жамият раҳбарияти билан имзоланган жамоа шартномаси шартларининг тўлиқ амалга оширилаётганлигидир. Меҳнат қадрланган жойда ишга муносабат яхши бўлади. Ҳозирда ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 60-65 минг сўмни ташкил этмоқда. Уларнинг корхонага келиб-кетишлари учун махсус автотранспортлар ажратилган. Бир маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда. Ҳар бир ишлаб чиқариш цехида дам олиш хоналари мавжуд.

Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг ҳар йили тиббий кўрикдан бепул ўтиши таъминланмоқда. Уларга махсус иш кийимлари бепул олиб берилади. Механик Турдимурод Раҳимов, чилангар Умид Имомов, Эдам Каримов, Тошмурод Муродов, нурчилар Шукур Солиҳов, Бозор Муҳаммадиев, Шарофиддин Донамуродов, лаборантлар Ҳикматой Жумаева, Норбиби Мирзараҳимова, Ойгул Ражабова, Саодат Саидова каби илғорлар барчага намуна бўлмоқдалар. Уларга ҳар чоракда мукофотлар бериб борилмоқда. Шунингдек, 3 нафар ходимимиз вилоят миқёсидаги сиҳатгоҳларда дам олдирилди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, яккаёлғиз кексалар ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келиняпти. Касаба уюшма қўмитамиз ташаббуси билан жамиятимиз ҳисобидан кам даромадли ишчи-хизматчилар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Тўйболалар учун туман «Халқ банки»да омонат дафтарчалари очилди.

**Садриддин МУХАММАДИЕВ,**
**корхона касаба**
**уюшма қўмитаси раиси**

# МЕТАЛЛУРГЛАР СОВҒАСИ

Навоий вилоятида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш, ўқув хоналарини жиҳозлаш ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Навбаҳор туманидаги Фурқат номли 6-мактабнинг янги биноси Навоий тоғ-металлургия комбинати томонидан қурилиб, 464 нафар ўқувчига мўлжалланган шинам ва кўркам жиҳозланган синф хоналари янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди. Бино қурилишига 800 миллион сўмдан кўп маблағ сарфланди. Худди шунингдек, тумандаги О.Сувонов номли 32-мактаб биноси, «Қизилқумцемент» корхонаси томонидан тўла жорий таъмирдан чиқарилди. Вилоят донмаҳсулотлари корхонаси Ҳ.Олимжон номли 12-мактабга 12 миллион 700 минг сўмлик мактаб жиҳозларини тортиқ қилди. Тумандаги «Янги ҳаёт», «Сармиш» ширкат хўжаликлари ўз оталиқларидаги мактабларнинг кам таъминланган оила фарзандларини дарсликлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатдилар.

Конимех туманида ҳам бу тадбирга уюшқоқлик билан киришилди. Мактабларни таъмирлаш ишларига ҳомийлар томонидан 230 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Бюджет маблағи ҳисобидан тумандаги 1, 2, 40-мактабларда жорий таъмирлаш амалга оширилган бўлса, тумандаги Абай номли, «Қизилкум», «Конимех», «Маданият», «Сарибол» ширкат хўжаликлари ёрдами билан ҳудуддаги мактабларда 100 миллион сўмликдан ошиқ тўла таъмирлаш ишлари бажарилди. Ўқув даргоҳларига вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан умумий қиймати 88 миллион 726 минг сўмлик жиҳозлар олиб берилди. Тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 1220 нафар фарзандларига ҳомийлар ёрдами билан 4 миллион 670 минг сўмлик дарсликлар олиб берилди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# БОҒИШАМОЛ СОЧИҚЛАРИ

Косонсой тумани Боғишамол қишлоғида сочиқ ишлаб чиқариш бўйича кичик корхона очилди. Бу ишни маҳаллий тадбиркор Орифхон Раҳмонов йўлга қўйди.

Бу ерда элликдан ортиқ йигит ва қиз доимий иш билан таъминланди. Маҳаллий бозорда косонсойликлар маҳсулотига талаб ортиб бормоқда.

- Ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилади,-дейди О.Раҳмонов. - Шу боис маҳсулот таннархи юқори эмас. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирамиз ва янги иш ўринлари яратамиз.

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Собир Раҳимов туманидаги 2-Мурувват уйида ногирон болалар ўртасида спортнинг югуриш, баскетбол ҳамда минифутбол турлари бўйича республика параолимпия ўйинлари бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мусобақаларда Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги мурувват уйларида тарбияланаётган қарийб саксон нафарга яқин бола куч синашди. Пойтахтимиздаги 2-Мурувват уйи тарбияланувчиларининг «Тошкент-2» жамоаси ғолиб деб топилди.

Ғолибларга қимматбаҳо совға ва мукофотлар топширилди.

*Қарор ва ижро*

# МОНИТОРИНГ НАТИЖАСИДА

## нақд пул тушуми кўпаймоқда

Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини қисқартириш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан туман солиқ инспекцияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда 199 та савдо объектлари мавжуд бўлиб, шулардан 183 таси назорат касса машинаси билан таъминланган. Қолган 16 таси маиший хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар бўлиб, улар махсус рақамланган қатъий ҳисобда турувчи квитанциялар билан савдони амалга оширади. 137 та савдо корхоналари нақд пул тушумини инкассация қилиш учун шартнома тузишган. Фаолият кўрсатаётган савдо шахобчаларида белгиланган тушумни бажариш, нақд пул маблағларини банкка топширилишини назорат қилиш мақсадида ходимлар мунтазам иш олиб боришаётир.

Олиб борилаётган ҳаракатлар туфайли нақд пул тушумлари июн ойида ўтган даврга нисбатан сезиларли даражада ортди. Масалан, «Веп» кичик корхонасининг нақд пул тушуми бўйича белгиланган топшириғи авваллари 367 минг сўмни ташкил этган бўлса, қисқа муддатли текширишлар ўтказилгандан сўнг 612 минг сўмгача етказилган. «Мирзаносир» хусусий фирмасида ҳам белгиланган кунлик тушум 45 минг сўм бўлиб, текширувдан сўнг бу кўрсаткич 80 минг сўмни ташкил этган.

Жорий йилнинг ўтган ойи мобайнида туман деҳқон бозорида нақд пул тушумининг реал ҳажмини аниқлаш, патта тушумларини тўлиқ йиғиб олиниши бўйича мониторинг ўтказилди. Натижада кунлик тушум миқдори 123 минг сўмга ортганлиги аниқланди.Жорий йил давомида банклардан олинган маълумотларга асосан нақд пул тушумини кам топшираётган жами 19 та хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли текширишлар ўтказилиб, шунинг 12 тасида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган ва уларга нисбатан жами 6 миллион 673 минг сўм миқдорида мамурий жарима қўлланилган. Июн ойининг ўзида ҳаммаси бўлиб 31 та хўжалик юритувчи субъектда нақд пул тушуми миқдори бўйича қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Натижада, туман бўйича бир кунлик тушум миқдори 910 минг сўмга кўпайганлиги маълум бўлди. Давлат бюджетига 888 миллион 558 минг сўм миқдорида маблағ туширилди.

Нақд пул маблағини инкассация орқали банкка топширилиши бўйича бўлим томонидан 10 нафар ходим бириктирилган. Шунингдек, туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари билан ҳамкорликда рейд ўтказилиб, ноқонуний иш олиб бораётган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилди. Жумладан, тумандаги Дўстлик кўчасида яшовчи Х.Қурбонова ўз хонадонида рухсатсиз дўкон очиб, ҳеч қандай хужжатсиз хорижда ишлаб чиқарилган автомобил эҳтиёт қисмлари билан савдо қилаётганлиги маълум бўлди. Олинган тезкор маълумотлар асосида туман ҳудудида яшовчи И.Деҳқонова ҳам қонунга хилоф равишда хорижда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари сотаётганлиги аниқланди. Сертификатга эга бўлмаган маҳсулотлар ашёвий далил сифатида вақтинча олиб қўйилди. Тошкент-Термиз йўналиши бўйича келаётган «Дамас» автоулови тўхтатилиб, кўздан кечирилганда, Фарғона вилоятида яшовчи З.Деҳқоновага тегишли бўлган 300 дона эркаклар кўйлаги ҳеч бир хужжатсиз сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланди. Сохта тадбиркорнинг хатти-ҳаракатига чек қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги 407-сонли қарори талаблари бажарилиши юзасидан «Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси» берилиши бўйича мониторинг текшируви ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, тумандаги 5 та улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи корхоналарнинг махсус рухсат гувоҳномалари қарор талабларига мос келмаслиги аниқланди ва уларнинг фаолияти ҳам тўхтатилди.

2004 йил 1 май ҳолатига кўра ҳуқуқбузарлардан 923.1 минг сўмлик ноқонуний тарзда олиб келинаётган товарлар олиб қўйилди. 8 та ҳолат бўйича иш кўриб чиқиш учун суд органларига юборилди.

**Ш.РАХИМОВ,**
**Чиноз тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**

*Бугуннинг гапи*

# БИР ПИЁЛА ЧОЙИМИЗ БОР...
## ёхуд тўйдаги ҳангомалар

***Халқ орасида тилдан тилга ўтиб юрадиган дуоларимиз кўп. «Тўй кўргин, ғам кўрмагин!», «Бошинг тўйдан чиқмасин»...***

***Тўй орзу-ҳавасларимиз рўёби, қолаверса, минг-минг йиллардан бери давом этиб келаётган ўзбекона қадриятларимиз рамзи. Чиройли, батартиб тўйларга борсак, қувонамиз. Ҳашамдор давраларга кирганимизда эса ўзимизни ноқулай сеза бошлаймиз. Нимадир «ортиқча»дек туюлаверади. Тўй эгалари топган-тутганини кўз-кўзлаётганими ё даврадаги исрофгарчиликми... Хуллас, норозилигимиз баттар кучаяди, беихтиёр «шунчалик сарф-харажат шартмикин»?! деб юборамиз. Тўйхоналарда учраётган ҳангомалар эса тишга теккан тош каби ғашни келтириб, асаббузарликларга сабаб бўлаётганини айтмайсизми?!***

### «СИЗ У ЁҚҚА, СИЗ БУ ЁҚҚА...»

Тўйхонага кириб келаётган икки-уч киши ясатиғлик столларга тезгина назар ташлаб олишгач, бир-бирига «анавидан кўринмайдику» дегандай имо қилишди. Ҳафсалалари пир бўлганданми, бирпас туриб қолишди. Тўй хизматчиларидан биттаси ҳушёрлик билан улар ёнига югуриб келди.

– Акахонлар, сизлар буёққа ўтинглар, марҳамат!

Сўнг жуда секин шивирлади:

– Ҳалиги... Истаганларингиз чойнакларда бор!

Меҳмонларнинг чеҳраси ёришди. Айниқса, улардан бири столга ўтириши биланоқ бир четдаги пахта гулли чойнак қопқоғини астагина очиб ёпди.

Маълум бўлишича, тўй эгасининг кекса отаси яқинда ҳаж зиёратидан қайтган, «неварамни уйлантирсам дастурхонга ичкилик қўймайман» дея ўғилларига уқтирганди. Ўғиллар эса... Ўз тенгқурларининг тўйларига бориб ош еган, ароқ ичган! Ўйлаб-ўйлаб, чорасини топишди. Оталарини ранжитмаслик учун «заҳар-заққум»ни чойнакларга қуйиб, белгиланган меҳмонлар столига тортишди.

### ИЛЛАТ ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛДИ?

Бизни шаҳар марказидаги энг кўркам кафега – «Бешик тўйи»га чорлашди. Ҳаммаёқ чароғон, ўйин-кулги, зиёфат, хурсандчилик..

Тўйга нима етсин. Анчамунча ўтириб, суҳбат қурдик. Сўнг кетишга чоғланаётсак, тўй хизматчиси бизни тўхтатди.

– Бешик тўйининг энг қизиғи энди бошланади-ку!

Яна жойимизга ўтирдик. Бир пайт икки аёл зил-замбил тугунларни ўртага келтириб қўйди. Бешикка солинадиган чақалоқнинг сарполари эмиш. Аёлларнинг ёшроғи ҳалиги тугунларни очди ва қўлига микрофонни олиб, ялтироқ сувқоғозга солинган буюмларни ўтирганларга бирма-бир кўрсата бошлади:

– Оёқ буюм. Бош кийим. Уст кийимлар. Ҳаммаси бир неча сидрадан. Мана, бекболанинг ич кийимлари. Беш комплект, айтиб қўяй Хитойники эмас. Манави курткани Дубайдан олиб келишган, боғчага борганларида киядилар. Бу – спортивка! Эмиратники, ҳозирги чиққанидан, мактабга киядилар. Костюмшимини қаранг, ҳалиги... ҳозир қоғозини кўрай, қаерники экан! Вой, ҳеч ўқиб бўлмаяпти, ишқилиб четдан келган-да! Манависи эса...

Хуллас, у ҳеч эринмасдан кийимларнинг номини, қай юртдан келганини микрофонда баланд товушда айтар, тугуннинг ҳали-бери таги кўринай демасди.

– Шунча буюмни қачон кийиб улгураркин-а, ҳали боланинг ўзи бешикда ётган бўлса?!

Ёнимдагиларнинг бири гапларимга ажаблангандек қараб қўйди.

Сўнг «Сиз буларни шу болакай кияди деб ўйлаяпсизми? Унақамас», деди.

– Нега киймас экан?

– Тўй эгалари уларни прокатдан олишган, эртагаёқ обориб топширишади.

– Ия, нега бундай қилишади?!

– Ҳа, энди маҳалла-кўй олдида ўзларини кўз-кўзлаш учун-да!

Бешик тўйидан қайтарканман, мана шу охирги гап ҳеч хаёлимдан кетмасди. Азалдан ўтказиб келинаётган ўзбекона анъаналаримизга бу тарзда сохта тус бериш уят эмасми?! Бу иллат қаердан пайдо бўлди? Илдизлари қайда? Наҳот бундай сохталикларни кўриб туриб, ўзимизни кўрмаганга олсак?! Ажабо...

### «ЭНДИ ВИДЕОГА ТУШМАЙМАН»

Тўй билан боғлиқ тантаналарни эсдалик сифатида видеотасвирга олиб қўйиш урф бўлди. Қарабсизки, ўша кунги хушчақчақ давра қандай бўлса, шундайлигича экранда акс этиб турибди! Бу яхшия, бироқ баъзан тасвирлар ичидан «ғалати ҳолат»лар ҳам кўриниб қолаётибди. Қандай қилиб, дерсиз. Мана бу суҳбатларга эътибор беринг...

– Қўшнимизнинг келини тўй куни битта зирагини йўқотганди. «Видеоларингни бир кўрайлик» деб туриб олди. Қўйиб бердик. У тўйдаги меҳмонларни кўчага кузатиб чиқаётганида икки қулоғи ярқиллаб турибди. Қайтаётганида эса битта қулоғида зирак йўқ...

Шу заҳоти югуриб чиқиб кетди. Меҳмонлар билан хайр-хуш қилган жойларини титкилади. Ётган экан, тупроққа қоришиб... Зираги топилди, юзимиз ёруғ бўлди!

– Овсинимнинг қизини кимдир туртиб юборганми, ён томонга қийшайиб кетаётганида видеога тушиб қопти. Яқинда тўйи бўлиши керак эди. Куёв томондан биттаси «келинимиз ичар экан, видеода кўрдик, маст» деб гап тарқатибди. Хуллас, қуда томон айниб ўтиришибди.

– Мен куёвнинг тоғаси билан бир синфда ўқигандим, тўйда ўйинга таклиф қилди. Бирпасгина ўйнагандим, видеога тушиб қолибман. Эрим буни кўриб роса дакки берди. Болаларим олдида бирам уялдимки. Энди видеога тушмайман.

Мана шунақа гаплар. Бу «ҳангома»ларнинг сабабчиси видеочими?! Шу ўринда бир гап. Тўй тантаналарини видеога олаётганлар орасида ҳали мактабни битирмаган ўспиринлар кўп. Улар тўй даврасида нимани олиш керагу, нимани олмаслик зарурлигини билишмайди. Эсдалик учун асосан келин-куёвнинг ёру дўстлари, табриклари, муҳими чиройли ва хушчақчақ чеҳраларни тасвирга тушириш лозимлигини унутишади. Тўйга видеочи таклиф этилгандаёқ, булар ҳақда жиддийроқ гаплашиб олинса маъқул иш бўларди, бизнингча.

### РЎЙХАТГА ҚАРАНГ, ЯНА КИМ БОР?

Ўша куни тўй давраси сокин, столда ўтирганлар «тўй очувчи»ни кутиб секин сўзлашиб ўтирардилар. Соат саккиз яримда тўйни очиш учун оқсоқол ўртага чиқди. Узундан узоқ сўзлар билан тўйни очиб бергач, овқатга қўл узатдик. Шу заҳотиёқ оқсоқол рўйхатга қараб, кимларгадир бирма-бир сўз бера бошлади. Кимдир сўзлаётганда таомни чайнаб туриш ҳурматсизлик, биз эса овқатдан бош кўтариб тўй охиригача ҳали у, ҳали бу «нутқ»ни тинглашга муяссар бўлдик. Тўй хурсандчиликдан кўра кўпроқ мажлисга ўхшаб кетди, назаримда. Битта тўйда ўнлаб одамларнинг сўзга чиқиши... Аслида шу шартмикан? «Тўйни олиб борувчи» кишиларни мўмайгина пулга ёллаш ҳам кўпгина тўйларда расм бўлган. Қарабсизки, сийқаси чиққан шеърлар, тўйдан-тўйга ўтавериб бачкиналашган ҳамду санолар, ёлғон аралашган ривоятлар кетма-кет айтилиб турилибди. Шеъру мақтовлар майлику-я, бироқ «тўй олиб борувчи»нинг ривоят ва ҳадисларгаям ёлғон-яшиқ сўзларни қўшиб кетиши жуда хунук кўринаркан...

... Яна ўша ўзбекона ҳикмат: «Топган тутганимиз тўйга буюрсин!» Ҳатто уйимизга келган меҳмон ҳам «шу хонадоннинг тўйларига келайлик» деб юзига фотиҳа тортади. Тўй эса яқин қариндошлар, дўсту ёрларнинг ўзаро бирлиги, хурсандчилиги! Аждодларимиз ҳар нарсада меъёрга амал қилиб келганлар. «Кўрпангга қараб оёқ узат» деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Меъёр бор жойда ақли бутунлик, ҳушёрлик ва эзгулик бор. Ниятимиз: ҳар кунимиз тўйга айлансин, бироқ тўй қилишда тартиб қоида ва айниқса меъёрнинг зарур эканлигини асло унутмайлик.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

### ҲАР КИМНИНГ ТАЪБИ

Ҳиндлар сут, қатиқ, қаймоқни хуш кўриб истеъмол қилишади-ю бироқ сигир гўштини ҳеч қачон ейишмайди.

* * *

Африкадаги массаи ва самбуру қабилалари нуқул сут билан озиқланади.

* * *

Бразилияда бир тоифа одамлар яшашадики, улар яланғоч юришдан номус қилишмайди. Аммо бировнинг олдида ўлиб қолишса ҳам овқатланмайди. Негаки, улар буни жуда–жуда уят деб билишади.

* * *

Саҳрои Кабирнинг марказий қисмида яшовчи кўчманчи араб қабилаларига мансуб одамлар жазирама иссиқда бир қултум сув ичмасдан, нонуштага еган бир дона хурмо меваси билан кечгача қаноат қилишади.



*Тадбир*

***Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши томонидан мана бир неча йилдирки БЎСМ тарбияланувчилари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Айтиш керакки, анъанага айланган ушбу спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш борасида ўтган йиллар мобайнида катта тажриба тўпланди. Бу йил ҳам анъанадан четга чиқилмади. Вилоятимиздаги бир нечта туман ва шаҳарларда ушбу мусобақалар катта кўтаринкилик билан ўтказилди.***

# «ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ»

Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳрида спортнинг бокс, енгил атлетика, қўл тўпи, футбол каби турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Мусобақаларда 500 нафардан ортиқ ёш спортчилар иштирок этди.

Енгил атлетика бўйича мусобақалар Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ташкил этилди. Тўртта ёш тоифасида ўғил ва қиз болалар ўртасида кечган баҳслар ғоятда қизиқарли ўтди. Жумладан, энг ёш енгил атлетикачилар, яъни 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ойбек Пўлатов, Муҳрож Юнусов ва Муҳаммад Валиев шоҳсупага кўтарилди. Шунингдек, ўғил болалар ўртасида Р.Эргашев, М.Ғаниев, Ш.Набиев (10-11 ёшлилар), Д.Саидов, А.Тўраев, Ф.Маликов (12-13 ёшлилар), И.Ҳамдамов, Ш.Исомов, Р.Зайниев (13-14 ёшлилар) совринли ўринларни эгаллашди. Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса Олимахон Ҳазратова ва Райхона Хўжаева ғолиб бўлди.

Кураш бўйича мусобақалар 10 та вазн тоифасида ўтказилди. Бешкент шаҳридаги спорт майдонларида ташкил қилинган беллашувларда Шаҳрисабз тумани, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари ёш полвонлари ҳамда мезбон жамоа вакиллари муваффақиятли қатнашди. Байрамали Раҳмонов (26 килограмм вазн тоифасида), Учқун Қудратов (29 кг), Элбек Йўлдошев (32 кг), Миржалол Давлатов (35 кг), Отабек Ўзбеков (38 кг), Давлат Сатторов (42 кг), Элбек Файзиев (46 кг), Ойбек Аҳмедов (50 кг), Суҳроб Ҳайитов (55 кг) ва Сардор Шодмонов (55 килограммдан юқори)лар биринчи ўринни эгаллашди.

Бокс, футбол ва қўл тўпи баҳслари ҳам ёш спортчиларда катта қизиқиш уйғотди. Иштирокчилар қизғин ва муросасиз учрашувларда бор маҳоратларини ишга солишди. Бир сўз билан айтганда, «Истиқлол ғунчалари» ўнлаб иқтидорли ёш спортчилар кашф қилди.

**Олимжон БОҚИЕВ,**
**Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши мутахассиси**

*Эшитдингизми, ўқидингизми?*

### ЁШЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Хабарингиз бўлса, шу йилнинг 24 сентябр - 9 октябр кунлари Малайзия «яшил майдон»ларида ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз ёш футболчилари ҳам иштирок этишади.

Тажрибали мураббий Рауф Инилеев раҳбарлигидаги ёшлар терма жамоамиз мазкур мусобақада муваффақиятли қатнашиш мақсадида пухта тайёргарлик кўрдилар. Бир неча бор хорижий мамлакатларда йиғинлар ташкил этилди. Айниқса, футболи ривожланган Европа давлатларида олиб борилган тайёргарлик ишлари ўз самарасини бериши шубҳасиз. Айни кунларда Р.Инилеев шогирдлари сўнгги йиғинни пойтахтимизда олиб боришяпти. Бугун улар биринчи лига вакили - «NBU-Осиё» жамоаси билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушадилар. Ана шундан сўнг бўлғуси муҳим мусобақада қатнашадиган 20 нафар футболчи номи аниқланади.

Терма жамоамиз футболчилари, мураббийлар, делегация аъзолари мусобақа бошланишидан бироз олдин, аниқроғи 20 сентябр куни Куала-Лумпурга йўл олишади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад Малайзия об-ҳавосига мослашишдир. Акс ҳолда ёш футболчиларимизда мураккаб иқлимга мослашиш борасида муаммо бўлиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари «С» гуруҳида Сурия, Ҳиндистон ва лаослик тенгдошлари билан ғолиблик учун кураш олиб боришади. Ажабланманг, Туркманистон ёшлар терма жамоаси қитъа чемпионатида қатнашишдан бош тортганлиги учун унинг ўрнига ҳиндистонлик ёшлар қатнашишади.

«С» гуруҳи учрашувлари: 26 сентябр - Ўзбекистон ё.т.ж. - Лаос ё.т.ж; 28 сентябр - Ҳиндистон ё.т.ж. - Ўзбекистон ё.т.ж.; 30 сентябр - Ўзбекистон ё.т.ж. - Сурия ё.т.ж.

Чорак финал ўйинлари 3 октябр, ярим финал баҳслари 6 октябр кунлари бўлиб ўтади. Мусобақа ғолиби ва совриндор жамоалар эса 9 октябр куни маълум бўлади.

### ЗИДАН САФДАН ЧИҚДИ

Жаҳон футболи юлдузи, франциялик Зинедин Зидан маълум муддат майдонга туша олмайди. «Реал» (Мадрид) клуби ярим ҳимоячиси Европа чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳси - «Байер» жамоасига қарши кечган учрашувида елкасидан жароҳат олди. Шифокорларнинг айтишича, Зидан яқин уч ҳафта ичида жамоадошларига ёрдам беролмайди.

### БОР-ЙЎҒИ 8 ТОМОШАБИН

Биринчи лига мусобақаларида қатнашаётган жамоалар иштирокидаги ўйинларга мухлислар қизиқиши кам эканлиги ҳаммага маълум. Лекин ҳарқалай, шу пайтгача стадионларга ҳеч бўлмаганда 200-500 атрофида томошабин ташриф буюраётган эди. Қарангки, биринчи лиганинг 32-туридан ўрин олган «Пахтакор-2» - «Шаҳрихон» учрашувини бор-йўғи 8 (!) нафар мухлис томоша қилди.

### ҲИКОЯТ

Дейдиларки, бир золим одам камбағалларнинг ўтинларини арзонга олиб, бойларга қиммат баҳода сотар эди. Бир пок виждонли одам уни кўриб деди:

***Нима бало, илонмисан,***
***кўрганингни чақасан,***
***Бойқушмисан, қайси ерга***
***қўнсанг, уни йиқасан?***
***Сен-ку зулмингни бизга***
***қиласан,***
***Шундай қилолмайсан***
***қодир Худога.***
***Ерда-ку зулмингни элга***
***қиласан,***
***Уларнинг қарғиши ўрлар***
***самога.***

Золим бу сўзга эътибор бермади, дарғазаб бўлиб, қош-қовоғини уйди, қулоқ солмади. Бир куни кечаси ошхонасидан бир учқун чиқиб, ўтинхонасига тушди. Золимнинг бутун бор-бисоти ёниб кетди. Унинг роҳат тўшаги ўрнида култепа пайдо бўлди. Иттифоқо, ҳалиги пок виждонли одам золимнинг уйи ёнидан ўтиб борарди. Золимнинг ўз ошналарига: «Билмадим, бу ўт менинг саройимга қаердан тушди экан?», деган саволини эшитган бояги азиз киши: «Фақирлар қалбидан чиққан оҳнинг ўтидан», деди.

***Дилни яралама оҳидан***
***чўчи,***
***Бу яра бирор кун сиртга***
***тепади.***
***Бирорта кўнгилга бермагил***
***озор,***
***Жаҳонни ўрташга бир оҳ***
***етади.***

Кайхисравнинг тожига шу сўзлар ёзилган эди:

***Узун-узун йиллар, узоқ***
***умрлар***
***Халқлар бошимиздан***
***босиб ўтади.***
***Қўллардан қўлларга ўтган***
***шунча мулк,***
***Биздан навбатдаги қўлга***
***ўтади.***

**(САЪДИЙнинг «Гулистон» китобидан)**

### КУБОК БУХОРОДА ҚОЛДИ

«Бухоро» стадионида маҳалла жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» республика турнирининг якуний босқичи ниҳоясига етди. Унда Қашқадарё, Жиззах, Фарғона ва Бухоро вилоятининг 11-12 ёшли футболчилари куч синашди. Дастлаб жиззахлик ва қашқадарёлик болалар майдонга тушди - 2:1.

Бухоронинг «Шайхул-олам» ва Қашқадарёнинг «Месит» жамоалари ўртасидаги учрашувда мезбонлар 4:1 ҳисобида устунликка эришди.

# КРОССВОРД



**Энига**: 5. Қўлга киритилган ютуқ, ғалаба. 6. Сопол идиш ҳунарманди. 10. Маълум соҳага оид тартиб. 11. Қишки спорт тури. 13 Наслий хусусиятларни ўрганувчи фан. 15. Спорт қайиғи тури. 17. Нашрга қўшимча маълумот, изоҳ. 21. Қадимий содда ўқотар қурол. 23. Тожикистондаги вилоят. 25. Бадиий буюм. 27. Инглиз физиги, квант механикаси асосчиларидан бири. 28. Инсонга хос фазилатлар мажмуи.

**Бўйига:** 2. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 3. Уммон тубида рўй берувчи кучли зилзиладан сув тубида юзага келувчи тўлқин. 7. Ҳаракатни амалга оширишдаги тезлик. 8. Австралия ҳудудида тарқалган итсимон ҳайвон. 9. Асосан Европадаги давлатда яшовчи миллат. 12. Жанубий ўлкаларда тарқалган тўти тури. 14. Тўқима рўзғор анжоми. 19. Ҳарбий қудрат. 20. Америка халқларига мансуб от спорт мусобақаси. 22. Ер сатҳи ўлчов бирлиги. 23. Хитойнинг шарқий ҳудудидаги дарё.

**Ёйлар бўйига:** 1. Қалайли қотишмани биринчи бўлиб тайёрлаган америкалик муҳандис. 4.Кимёвий элемент. 24. Математик ва механик олим. 26. Бинонинг юқори томонидаги серҳашам юқори қисми.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 16. Соғломлаштириш машқларини ўз ичига олган спорт тури.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ**

*Куз неъматлари*

***Узумнинг маданий тури 7-9 минг йил аввал пайдо бўлиб, ҳозирги кунда унинг 5 мингдан ортиқ нави мавжуд. Шарқ табобатида ундан доривор сифатида фойдаланганлар. Шунингдек, узум шарбати, сиркаси, барги, пояси ҳам турли хасталикка даво саналади.***

# УЗУМ ХОСИЯТИ

Абу Райҳон Берунийнинг ёзиб қолдиришича, узум поясини кесганда оқиб чиқадиган суюқлик шифобахш хусусиятларга эга. Унинг поясидан эфир мойи ҳам олинади.

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино эса узумнинг дориворлик хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: «...узиб олиб, бирмунча муддат осиб қўйилган узум танани яхши озиқлантириб, қувватлантиради. Яхши пишган узумнинг зарари пишмаганидан камроқдир. Узумнинг ўзи шарбатидан кўра фойдалироқ. Узум ва данакли майиз ичак оғриғига яхши фойда қилади. Шунингдек, майиз буйрак ва қовуқ учун ҳам фойдали».

Узум поясининг суви ва ёввойи узум мевасининг шарбати қон тупуришни бартараф этади. Узум поясининг суви тошларни майдалайди, сўгал, қонталаш ва темираткига қарши ишончли дори ҳисобланади. Ёввойи узум поясини сув ёки май билан ичиш истисқони даволайди ва пешоб ҳайдайди. Ёввойи узум меваси эса ошқозон фаолиятини яхшилаб, қусишни тўхтатади, юракка қувват беради, жиғилдон қайнашини қолдиради.

Узум таркибида кўп миқдорда қандлар, органик кислоталар, С, В витаминлари, ошловчи моддалар, баргида эса С, В, К витаминлари, каротин, никотин, фолий кислотаси, флавоноидлар, катехинлар ва ошловчи моддалар мавжуд.

Халқ табобатида узум шарбати, шунингдек, узумнинг нордон навлари иштаҳани очувчи ва овқат ҳазм қилишни яхшиловчи восита сифатида қўлланилади. Яхши пишган узум, айниқса қора кишмиш камқонликни даволашда ва камқувват беморларга мадор беришда қўлланилади. Қора майиз эса турли зарарли ўсмаларни даволаб, инсон қувватини оширади.

Узумнинг яхши пишмаган ғўрасидан сирка тайёрланади. Сирка иштаҳани очиш билан бирга стоматит ва ангинани даволайди.

Токнинг ёш навдалари ва баргини май ойида териб олиб, юқори қон босими ва қандли диабетни даволайдилар. Беморларни қувватга киргизиш учун меъда-ичак касалликларида, сурункали бронхитлар, плевритлар, бронхиал астма, ўпка сили, сурункали нефрит, пиелонефрит, камқонлик, подагра ва ҳар хил неврозлар пайтида қадимги ҳакимлар узум ейишни тавсия этишган. Лекин қандли диабет, меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигида организмда йирингли жараёнлар кечаётганда беморга узум буюриб бўлмайди.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент**

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент шаҳар тармоқ қўмитаси раиси Ноила Умаровага волидаи муҳтарамаси

**МАРҲАМАТ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар қўмитаси жамоаси қўмита раиси Ноила Умаровага волидаи муҳтарамаси

**МАРҲАМАТ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси, касаба уюшма Марказий қўмитасининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллигининг мутахассиси Наташа Баратовага отаси

**ИСРОИЛ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5